

НАЦУМЭ СОСЭКИНИНГ “ҚАЛБ” АСАРИ ТАРЖИМАСИДА ОВҚАТЛАНИШ  
МАДАНИЯТИ ТРАНСФЕРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.8093739>

**ШАМСИЕВА Барнохон**

Ўқитувчи, PhD, ТДШУ

**АННОТАЦИЯ**

Дунё тилишуослигида тилдаги муайян миллий-маданий белгилар орқали инсонда ижтимоий, маданий, диний омиллар таъсирида шаклланган тушунчалар, тасаввур ва эътиқодлар ўртасидаги тафовутларни ўрганиш лингвомаданий аспектдаги тадқиқотларнинг марказий муаммоларидан бири саналади. Бу йўналишида олиб борилаётган тадқиқотларда маданият трансфери назарияси асосида бир миллатга мансуб моддий ва маънавий маданият бошқа маконга кўчганда ўша маконга хос дунёқараиш, маданият нуқтаи назаридан идрок қилиниши ва ифода этилиши масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда маданият трансфери назариясининг тилишунос, таржимашунос олимлар томонидан чоғиштирма ҳамда лингвомаданий аспектларда ўрганилиши таржима матнлари тадқиқига янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Хусусан, жаҳон тилишуослигида маданият трансфери назариясини оламнинг лисоний манзараси масалалари билан боғлаган ҳолда тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу мақолада Нацумэ Сосэкининг “Қалб” асари таржимаси мисолида овқатланиш маданиятига оид бўлган лексик бирликларни трансферини кўриб чиқилди.

**ABSTRACT**

In world linguistics, the study of the differences between the concepts, ideas and beliefs formed in a person under the influence of social, cultural, and religious factors through specific national-cultural signs in the language is considered one of the central problems of research in the linguistic and cultural aspect. Based on the theory of culture transfer, in the research conducted in this direction, serious attention is paid to the issue of perception and expression of the worldview and culture specific to that place when the material and spiritual culture belonging to one nation moves to another place.

In this article, the translation of Natsume Soseki's "Heart" is an example of the transfer of lexical units related to food culture.

**АННОТАЦИЯ**

В мировой лингвистике изучение различий между понятиями, представлениями и убеждениями, сформировавшимися у человека под влиянием социальных, культурных и религиозных факторов, через специфические национально-культурные признаки в языке считается одной из центральных проблем исследований в лингвокультурологический аспект. Опираясь на теорию трансфера культуры, в исследованиях, проводимых в этом направлении, серьезное внимание уделяется проблеме восприятия и выражения мировоззрения и культуры, характерных для данного места, при перемещении материальной и духовной культуры, принадлежащей одному народу, в другое место. Сегодня изучение теории трансфера культуры лингвистами и переводчиками в кросслингвистическом и лингвистическом аспектах требует новых подходов к изучению переводных текстов. В данной статье перевод «Сердца» Нацумэ Сосэки является примером передачи лексических единиц, связанных с культурой питания.

Таржима натижасида ғоя, тасвир, маданиятнинг бошқа ижтимоий-маданий маконга кўчиши (трансфер) масаласи билан боғлиқ ишлар таржимашуносликнинг ҳозирги кундаги долзарб масалаларидан ҳисобланади. Таржима амалга ошиши натижасида асл матн ва таржима матни миллати маданиятидаги белгилар ўзаро тўқнаш келади. Яъни, бирор матн бошқа тилга ўгирилганда маъно силжиб ўзига янги вазифа юклаб олади. И.Н.Лагутинанинг

фикрича, асардаги ҳар бир кичик мотив, энг минимал даражадаги контекст ҳам таржимага таъсир қилади, зеро, бундай кичик контекстлардан бир қанча бўлиши мумкин[1].

Албатта, таржимашунослик, қиёсий адабиётшунослик ва бошқа гуманитар соҳалар тадқиқотида “ўзаро алоқа, таъсир”, “ўзаро боғлиқлик” терминларини учратиш мумкин. Бироқ, олимларнинг фикрича ижтимоий-маданий атамаларни таржима матнига қўчишини тадқиқ қилишда бунинг ўзи етарли бўла олмайди. Бу ўринда маданият трансфери ифодаси матндаги ғоялар, тушунчаларни тўғри етказиб беришга хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, маданият трансфери назариясида лингвомаданий бирликларнинг таржима қилинган асар маданиятида қандай бўлса, шундайлигича намоён бўлиши эмас, балки, янги маданиятда қандай кўринишда ўрин олганлиги, уни қабул қилувчи маданиятга қай тарзда мослашиши масаласи муҳимдир. Француз олими М.Эспаннинг таърифлашича, маданият трансфери – бу таржимага яқин тушунча бўлиб, у бир коддан бошқасига ўтишни тақозо қилади, бироқ ҳар доим ҳам таржима билан айнан тарзда изоҳланмайди[2]. М.Эспан таржима ва трансфернинг ўзаро фарқи ҳақида тўхталиб, маданият трансфери учун романнинг исталган тилдаги нашрини бошқа тилдан қилинган таржимасига таққослаш, муқовасининг иллюстрацияси, форматлари, ҳаттоки матбааси ўртасидаги фарқларни кузатишнинг ўзи кифоя қилишини, бу эса таржима билан эквивалентлиликни билдирмаслигини таъкидлайди[3].

Ю.М.Лотманнинг 1985 йилда чоп этилган мақоласида XVIII асрда рус тилига қилинган бадий асарлар таржимасида маданий элементларни таҳлили жараёнида “силжиш”(сдвиг) термини қўлланилган бўлиб, унда бирор матн, хорижий маданий контекстга кўчганда янги маънога, янги функцияларга эга бўлса, иккинчи томондан, кириб борган маданиятга таъсир қилиб уни ўзгартиради деб таъкидлаган. Ушбу мақолада ана шу термин “силжиш”га асосланиб, таржима матнини “маданий силжиш” сифатида кўриб чиқилди. Бунда, таржимада сўз ёки бирикмалар аввалги маънолари торайиб, таржима матнида кўшимча ассоциация қўшилиб маънонинг силжигани мисоллар орқали таҳлил қилинди.

Нацумэ Сосэкининг “こころ” [kokoro] асарида ҳам меҳмондўстлик, овқатланиш маданияти элементларининг бир қанчаси намоён бўлди. Гарчи икки халқнинг ҳам меҳмондўстлиги, маданиятлари умумий жиҳатдан бир-бирига ўхшашлиги ҳақида бир қанча асарларда таъкидланган бўлса ҳам, бадий матнни таҳлил қилиш жараёнида маданият трансферининг содир бўлиши, ҳар икки миллат маданиятининг ўзига хос хислатларини намоён қилган.

その内はいつの間にか先生の食卓で飯を食うようになった。(22-б.)

[sono uchiwa itsunomanika senseino shokutaku de meshiwo kuu yōni natta.]

“*Бир марта унинг дастурхонидан овқатланганман ҳам*” (май-2013, 14-б.)

先生の食卓で飯を食うようになった[sensei no shokutaku de meshi wo kuu you ni natta] жумласи ўзбек тилига сўзма-сўз “устозимнинг столида овқат ейишга мушарраф бўлганман” деб таржима қилиниб, таржима матнида “дастурхонидан овқатланганман” дея муқобили берилган. Япон маданиятида стол устида дастурхон ва унга ўхшаш буюм ишлатилмас-да, ўзбек тилида “дастурхон” сўзи айнан “стол” маъносида ҳам қўлланилиб, шу билан бирга кенг маъноли коннотацияга эга ва бир қанча тасаввурларни ҳам ўз ичига қамраб олади. “Меҳмон” коннотацияси ҳам шулар жумласидандир. “Столида овқат еганман” жумласини “дастурхонидан овқатланганман” деб таржима қилинганда аслиятдаги барча маънолар сақлаб қолинган бўлса-да, ўзбек тилида ушбу жумлада маъно ўсганини кузатилди. Чунки, юқорида таъкидланганидек, “дастурхон” сўзида предметнинг ўзи, стол усти, унинг тўқин-сочинлиги, мезбоннинг меҳмондўстлиги каби коннотациялари тушунилади.

今ではどこの家でも使っているようですが、その頃そんな卓の周囲に並んで飯を食う家族はほとんどなかったのです。(183-б.)

[ima deha doko no ie demo tsukatteiru yō desu ga, sono koro sonna taku no shūi ni narande meshi wo kuu kazoku wa hotondo nakatta no desu.]

Ҳозир бундай хонтахтачаларни ҳар бир уйда учратиш мумкин, лекин у вақтларда бутун оила бир дастурхон атрофида жам бўлиб овқатланмасди. (июль-2013, 97-б.)

Бу мисол ҳам юқоридагисини тўлдиради. 卓の周囲に並んで飯を食う家族 [taku no shūi ni narande meshi wo kuu kazoku] жумласи сўзма-сўз “стол(таку) атрофида йиғилиб овқат ейдиган оилалар” жумласи таржима матнида “бутун оила бир дастурхон атрофида жам бўлиб..” деб таржима қилинган. Ўзбек маданиятида “дастурхон” сўзи тўқинчилик, фаровонлик каби маъноларга эга[5]. Япон маданияти ҳамда ўзбек маданиятининг стол безаш, тузаш, ундаги буюмлар ҳам бир-биридан фарқ қилиб, таржимадаги “дастурхон атрофида” деган сўз ҳам ўзбек тилида таржима асарини ўқиш жараёнида ўқувчида шунга оид деталлар кўз ўнгида гавдаланади.

“Дастурхон” сўзи кўчма маъноларда ҳам қўлланилиши асар таржимасида ҳам ўз аксини топган:

そのきよくあなたは私の過去を絵巻物のように、あなたの前に展開してくれと逼った。(132-б.)

[Sono kyoku anata wa watashi no kako o emakimono no yō ni, anata no mae ni tenkai shite kure to sematta]

“Боз устига, сиз ўтмишимни “дастурхон қилиб” ёзишимни талаб қила бошладингиз” (июнь-2013, 121-б.)

Аслиятдаги ушбу жумла моҳирона ўзбек тилига таржима қилинган десак муболаға бўлмайди. “Дастурхон қилмоқ” ўзбек тилидаги ибораси япон тилидаги 絵巻物 [e makimono] сўзига компенсация сифатида берилган. 絵巻物 [emakimono] – япон миллий санъат тури бўлиб, асосан XI-XVI асрларда машҳур бўлган. Афсона, ҳикоялар мазмунини шойи ёки қоғозли ўрамга расм қилиб чизиладиган санъат тури. Ушбу санъат дурдонаси ўрамининг кенлиги 30см атрофида, узунлиги эса 9-12 метргача етган. Ўнг томондан чап томонга қаратилиб очилган[6].

Юқоридаги “Қалб” романи асл матнида берилган жумлани сўзма-сўз таржима қилганда “*лекин сиз ўтмишимни худди эмакимоно сингари олдингизга ёйишимни хоҳладингиз*” дейилган. Яъни аслиятда ҳам “эмакимоно” сўзи ўхшатма мисолида келган бўлиб, қаҳрамон ўз ўтмишини, сақлаб юрган сирларини унга очик ойдин худди расмдагидек “намойиш” этиши билан бирга, ўтмиши турли саргузаштларга бой эканига ишора қилади. Таржимон “эмакимоно” реалиясини ўзини қўллаганида балки, жумланинг таъсирчанлигини таъминламаган бўларди. Дардини, сирларини батафсил айтиш маъносидаги ушбу тушунча таржимада “дастурхон қилиб ёзиш” ибораси воситасида таржима қилингани ўзбек китобхонлари жумлани тез “ҳазм” қилишига туртки бўлади. “Бирор гапни ҳар қаерларда, ҳар кимларга гапириб, дoston қилиб юрмоқ”[5] маъносида қўлланиладиган ушбу ибора, юқоридаги мисолда қаҳрамоннинг ҳеч кимга айтмай юрган сирларини, ўтмишини тўқиб солиши назарда тутилади. Таржимон бу орқали жумланинг коммуникатив мақсадини сақлаб қолишга ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиққан.

Ушбу мақолада маданият трансфери бу – бир миллатнинг турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятининг бошқа бир миллат тилига кўчганда маънонинг “силжиши” деб таъриф берилди. Бир миллатга оид моддий ва маънавий маданиятлар бошқа маконга кўчганда, ўша маконнинг дунёқараши, оламга бўлган муносабати, маданияти нуқтаи назаридан ифодаланади ва маданият трансфер бўлади. Маданият трансфери ҳар бир қабул қилувчи миллат маданияти нуқтаи назаридан табиий амалга ошади. Чунки, ҳар бир миллат маданиятининг ўзининг олам манзараси мавжуд бўлиб, улар тилда сўзлар, реалиялар, фразеологизмлар, концепт кабилар орқали акс этади. Қабул қилган маданият ана шу

омиллардан қабул қилинган маданиятни идрок қилади. Натижада, маъно “силжиб” маданият трансфери амалга ошади.

Бадиий матннинг трансфер бўлиши – маълум бир ғояларнинг бегона маданият майдонида идрок қилиниши, бадиий матннинг янги ҳаёти, янги муҳит шароитидан келиб чиқиб мослашишини ва шунда ҳам асар ғоясини сақлаб қолиши таржимашуносликда маданият трансфери назариясининг асосини ташкил қилади.

Таржима трансферини таҳлил қилишда, таржиманинг нимага урғу бериб амалга оширилганини инобатга олиш муҳим масала. П.Ньюмарк асл матнга ёки таржима матнига урғу берилган таржималарни таржима усуллари гуруҳига бўлиб, ажратиб чиққан. Унга кўра, аслият тилига урғу берилган таржима усуллари: луғавий таржима (ёки тўғридан-тўғри таржима), сўзма-сўз таржима, аслиятга содиқ таржима, семантик таржималардир. Таржима тилига урғу берилган таржима усулларига эса адаптация, эркин таржима, идиоматик таржима ҳамда коммуникатив таржима усуллари санаб ўтади. Кўриниб турибдики, аслият тилига урғу берилган таржима услублари кўпроқ расмий йўналишга хос бўлса, таржима тилини мақсад қилиб амалга оширилган таржималарда бадиий таржима йўналишини кўллаб-қувватлаши кузатилади.

Кейинги изланишларда таржима тилига урғу берилган таржима усули сифатида таржиманинг адаптация усулини маданият трансферининг асоси сифатида кўриб чиқилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Лагутина И.Н. Россия и Германия на перекрестке культур: культурный трансфер в системе русско-немецких литературных взаимодействий конца XVII – первой трети XX века. – М.: Наука, 2008. – С. 3.
2. Федорова И.К. Кинотекст в инокультурной среде: к проблеме построения моделей культурных переносов // Российская зарубежная филология, 2011. 1(13). – С. 63.
3. Espagne M. La notion de transfert culturel // Revue Sciences / Lettres [Online]. 2013. №1. URL: <http://www.rsl.revues.org/219> (Мурожаат қилинган сана: 14.01.2021).
4. Лотман Ю.М. О русской литературе. Статьи и исследования (1958-1993). СПб., 1997. – С. 168-175.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 574.
6. 明鏡国語辞典、北原保雄 編. 708 ページ。 - 295 p.
7. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna THE ISSUE OF WOMEN'S PLACE IN THE FAMILY AND SOCIETY IN THE CREATION OF GULF ARAB COUNTRIES' LITERATURE // ORIENSS. 2022. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-issue-of-womens-place-in-the-family-and-society-in-the-creation-of-gulf-arab-countries-literature>.
8. Ахмедова, Ш. (2021). Новые художественно-методологические принципы сторителлинга в ОАЭ. *Востоковедения*, 1(1), 4–13. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15813>